

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР БОЛА ПСИХОЛОГИК САЛОМАТЛИГИНИНГ ШАРТИ СИФАТИДА

У.Б.Юсупходжаева

“Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институти таянч
докторанти

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8026278>

ARTICLE INFO

Received: 04th June 2023

Accepted: 11th June 2023

Online: 12th June 2023

KEY WORDS

Оила, бола, ота-она
муносабатлари, қулай
оилавий шароит,
хавотирлик, оиладаги низо,
ўзидан қониқмаслик ҳисси,
оилавий шароитда адоват.

ABSTRACT

Мақолада оилавий муносабатларни бола шахсининг камолотига таъсири масаласи атрофлича очиб берилган. Айниқса, оиладаги ижтимоий-психологик муҳитнинг барқарорлиги бола психологик саломатлиги билан алоқадорлиги масаласи эмпирик тадқиқотлар асосида текширилган.

Оилада болалар билан тўғри муносабатга киришиш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Оиланинг унда тарбияланаётган болаларга таъсир доираси ижтимоий таъсир доираси каби кенгдир. Оила болаларни Ватанга муҳаббат, меҳнатга ва халқ бойликларига онгли муносабат, нуқсонларга мурасасозлик руҳида тарбиялаш учун катта имкониятларга эга. Оила хусусан, боланинг ҳиссиёти ва эмоционал маданиятини тарбиялашда катта имкониятларга эга.

Оилада айниқса, катта ёшли болалар билан тўғри муносабатда бўлиш муҳим аҳамиятга эгадир. Негаки, ҳар қандай бола улғайган сари катталар буйруғини ёқтирмайдиган бўлиб боради. Бу буйруқ кўпинча қаршилиқ кўрсатиш, ҳатто оқилна талабларни бажаришдан бош тортиш ҳолатларини ҳам келтириб чиқаради. Бундай пайтларда болага муомала тарзини ўзгартириш мақсадга мувофиқдир. Буйруқ ўрнига ишонтириш усулини қўллаш керакки, токи бола ана шу қилиниши керак бўлган ишни бажариши шарт эканлигини онгли тарзда тушуниб етсин. Шундай ҳолатдагина бола ҳар бир ишни онгли тарзда бажаришга одатланади. Агар катта ёшдаги болага панд-насихат қилинаверса, унинг ғашига тегиш мумкин. Айни ҳолларда педагогик усул қўллаш яхши самара беради. Айтайлик, оилавий юмуш ҳақида боланинг фикрини билишга интилиб, агар мана шу нарсани мана бундай қилсак, сен қандай қарайсан деб боладан сўралса, бажарилиши керак бўлган ишга у ўзининг шахсий муносабатини билдиришга ҳаракат қилади. Бу ўз навбатида боланинг оиладаги обрўси ва ўрнини мустаҳкамлайди ва болага ижобий таъсир қилади. Натижада ҳар бир нарсага оқилна ўйлаб фикр билдирадиган бўлади. Яна шуниси муҳимки, бола ўзини катталардек сезиб хулқидаги айрим камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилади [2].



Кузатишлардан маълум бўлишича, болаларга ота-онанинг ёки оила катта аъзоларининг ҳадеб насиҳат қилавериши яхши натижа бермас экан. Ота-оналар ёки оиланинг катта кишилари бундай муносабатнинг ўрнига болалар билан ҳамфикр, дўст каби муносабатда бўлсалар, болаларда ўз-ўзини баҳолаш, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашиш ҳиссининг шаклланиши кабиларнинг юзага келишига олиб келар экан.

Оилада болаларга таъсир этиш сифатини ошириш учун оиланинг катта ёшли аъзоларининг болага қўядиган талаблари ҳамда уларга тарбиявий таъсир кўрсатишда сўз билан ишнинг бир бўлиши лозимдир. Оилада бундай бирликнинг бўлмаслиги бола хулқ-атвориغا салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Баъзан ота-она болаларига ўта меҳрибонликларининг изҳори сифатида у нима деса шуни қиладилар. Бола истагини ўзлари учун қонун деб биладилар, бошқача қилиб айтганда шу орқали ўзларининг болага ниҳоятда эътиборли эканликларини кўрсатмоқчи бўладилар. Ота-онанинг бундай хусусиятини сезган бола ўз талабини янада орттиради. У ота-онадан тобора кўпроқ нарса талаб қила бошлайди. Ота-она болани жуда ҳам «яхши кўрганликлари» учун унинг бу галги талаби: қимматбаҳо кийимлар, тақинчоқларни ҳам муҳайё қиладилар. Аммо булар қайси маблағ эвазига келаётганлигини болага тушунтиришни ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар. Натижада ота-онанинг бола кўнглига қараб муносабатда бўлиши бола тарбиясининг бузилишига олиб келади. Оқибатда бола худбин, молпараст бўлиб қолиб, ҳар бир буюмнинг қадрига етадиган, уни асраб-авайлайдиган эмас, унинг аксини қиладиган шахс бўлиб етишиши мумкин [1].

Ҳаётий кузатишлар шуни кўрсатадики, баъзан айрим оилаларда болага бирор иш бажариш учун ёки яхши ўқитиш учун уни ёки бунга олиб бераман деб катта ваъдалар беришади. Ота-оналар бу билан болаларини таъмагир қилиб қуяётганлигини ҳеч ҳам ўйламайдилар.

Шу нарсани таъкидлаш керакки, болалар билан муносабатга киришишда уларнинг кўнглига, психологиясига эътибор бермаслик, оиладаги носоғлом психологик муҳит – бир-бирини ҳақоратлаш, дўқ-пўписа ва зулм ўтказиш асосида қилинадиган муносабат болаларда кўрқоқлик, асабийлик, ёлғончилик, меҳрсизлик, қўполлик каби сифатларнинг шаклланишига олиб келади.

Оилада болага кўрқитиш, дўқ-пўписа асосида муносабатда бўлинса, бола характерида одам ёқтирмаслик, писмиқлик, иродасизлик, маънавий заифлик хислатларининг таркиб топишига имконият яратилади.

Ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатнинг ижобий тус олиши учун ота-она фарзандлари билан муносабатга киришаётганларида педагогик одобга риоя қилмоқлари керак. Ота-онанинг айтган ҳар бир сўзи таъсир қиладиган бўлмоғи, сўзнинг айтилиш формаси, шу сўзнинг формасига мос келадиган ҳолда чехранинг очиқ ёки вазоҳатли бўлиши педагогик таъсирнинг таъсирчанлигини оширади. Аксинча, педагогик одобга риоя қилмаслик болани ҳаддан ортиқ севиш ёки бераҳм, қаттиққўл муносабатда бўлиш ота-она билан бола ўртасидаги ўзаро муомаланинг бузилишига сабаб бўлади [3].



Ота-оналар ва болалар ўртасида муносабатларнинг ижобийлигини таъминлашда ҳар бир болага алоҳида муомала ва муносабатда бўлиш зарур. Бунда боланинг ёши, ўша даврдаги ҳолати ҳисобга олиниши керак. Болани ёшини, маълум вазиятдаги ҳолатини яхшироқ тушуниш учун ўзимизни боланинг ўрнига қўйиб кўришимиз керак. Шунда биз боланинг ички оламини, хоҳиш – истагини англаб ета оламиз. Боланинг ички олами, ҳаяжон ва қувончларини, ўй хаёлларини ўзимизда ифодалаб кўришимиз эса болаларни тушунишда бош мезон бўлиб хизмат қилиши лозим.

Бола кичиклигида катталарга тақлидчан ва итоаткор бўлади. Катталар нимани буюрса шуни қилади, айтганларидан чиқмайди. Катта бўлган сари кўп нарсага ақли етадиган бўлиб боради. Энди у баъзи масалаларда катталар билан келиша олмайди, ўз фикрида туриб олади. Буни катталар баъзан одобсизлик, ўжарлик, ўзбошимчалик деб тушуниб, уни жазолашга уринадилар. Бундай ноҳақлик болани қалбини жароҳатлайди. Натижада ота-она обрўига путур етади. Оқибатда ота-она ва бола ўртасидаги меҳр-муҳаббат, ишончнинг йўқолишига имконият яратилади.

Ота-она ва болалар ўртасидаги ижобий муносабатни юзага келтириш кўп жиҳатдан ота-оналарнинг ўз болаларини, уларнинг феъл атвори, характер хислатлари, қизиқишлари кабиларни билишларига боғлиқдир. Шу жиҳатдан ҳар бир ота-она энг аввало ўз болаларини ҳар томонлама билишлари ва шу асосда муносабатда бўлишлари лозимдир [4].

Маълумки, оиладаги шахслараро муносабатлар, оилавий вазиятни ўрганиш мақсадида “Оиланинг кнетик расми” методикаси орқали уларнинг оила шароитидаги вазиятларида мазкур эмоционал бузилиш сабабларини аниқлаш имкониятига эришилди.

“Оиланинг кнетик расми” методикаси боланинг ўз оила аъзоларининг унга бўлган муносабати синалувчи учун низо ва хавотирлик туғдирувчи оилавий муносабат характери шунингдек, оиланинг бошқва аъзолари билан ўзаро муносабатини қандай қабул қилиш ҳамда оиладаги ўз ўрнини аниқлашд ёрдам беради.

Тестни ўтказиш жараёнида икки қисмдан иборат ўз оиласининг расмини чизиш ва расм чизиб бўлгандан сўнг суҳбат ўтказиш. Тадқиқот ўтказиш учун оқ қоғоз варағи олти рақамли қалам қора, қизил, кўк яшил сариқ жигарранг ўчирғич керак бўлади. Болага қуйидаги кўрсатма берилади: илтимос ўз оиланг расмини чизиб бер. Методикнинг таҳлил тизимини қўллаш Р.Бэнсон ва С.Кауфман, С.Р.Рейнолд шунингдек Г.Хоментастас томонидан тақдим этилган.

ОКРни изоҳланшда қуйидаги жиҳатларга асосий эътибор берилган: 1) оила аъзолари суратини чизишнинг кетма-кетлиги; 2) қисмларни чизишнинг кетма-кетлиги; 3) ўчириш; 4) чизиб бўлинган объект қисмлари шаклларига қайтиш 5) чекинишлар; 6) ички сабаб натижасида вужудга келадиган шарҳлар.

“ОКР” тести учун ҳам миқдорий баҳо бериш тизими ишлаб чиқилган. Беш хил аломат мажмуаси: 1) қулай оилавий шароит; 2) хавотирлик; 3) оиладаги низо; 4) ўзидан қониқмаслик ҳисси; 5) оилавий шароитда адоват ажратиб кўрсатилган. Ҳар бир белгилар мажмуаси балл билан баҳоланадиган бир қатор кўрсаткичлардан иборат. Белгиларнинг мавжудлигини 1 балл билан баҳоланади. Миқдорий баҳо бериш тизими




орқали синалувчиларнинг чизган расмларини таҳлил этдик. Таҳлил этиш жараёнида оила кинетик рсми белгилари тўплами учта гуруҳга бўлиб ўрганилди.

1-жадвал

Оилавий муносабатларни бола саломатлигига таъсир хусусиятлари

Синфлар	Қулай оилавий шароит	Хавотирланиш	Оиладаги низо	Ўзидан қониқмаслик ҳисси;	Оилавий шароитдаги адоват.
2-синф	23%	45%	35%	48%	28%
4-синф	34%	38%	29%	52%	37%



1-расм . Оилавий муносабатларни намоён бўлиш хусусияти

Тадқиқот методикаси синалувчилар гуруҳида ўтказилиб, натижалар миқдор ва сифат жиҳатидан таҳлил қилинди. Миқдорий таҳлил натижалари жадвал ва диаграммаларда акс эттирилди.

Жадвал натижаларига кўра, синалувчилар гуруҳида қулай оилавий шароит ҳар икки гуруҳда ҳам аҳамиятли эканлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, 4-синф ўқувчиларида юқори эканлиги улар мазмун моҳиятан оилада рўй берадиган ҳар қандай ўғаришларда хабардор эканлиги, улар учун қулай шароит қандай эканлиги хусусида маълумотларга эга эканлиги билан белгиланади.

Шунингдек, синалувчилар гуруҳида хавотирланиш яъни ҳар қандай нарсаларга нисбатан ички қўқувни ҳис қилиш қобилияти бирмунча ортганлигини кўришимиз мумкин. Лекин шуни айтиб ўтиш лозимки, тадқиқотда иштирок этган синалувчиларда ёшга боғлиқ хавотирланишнинг пасайганлигини қайд этиб ўтиш мумкин. Унга кўра синалувчилар гуруҳида 45% ва 38% ни ташкил қилади. Оиладаги низо синалувчилар гуруҳида 35% ва 29% ни ташкил қили, уларда ота-она муносабатларида ҳамда ота-она ва фарзанд тизимида ўзига хос зиддиятли ҳолатлар мавжудлигини таъкидлаб ўтадилар.

Маълумки, тадқиқотда иштирок этган синалувчилар гуруҳида ўзидан қониқмаслик ҳисси 48% ва 52% ни ташкил қилганини кўришимиз мумкин. Шунинг билан бирга улар ўзларида кечадиган ҳолатларни англамайдилар ҳамда қобилият ва иқтидорларини тўла баҳолаш имкониятини мавжуд эмаслигини англади. Шунингдек, буни уларнинг кейинги босқич даврига ўтиши билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Оилавий шароитаги адоват синалувчилар гуруҳида ўзининг аҳамиятли эканлигидан далолат беради. Унга кўра, 28% ва 37% ни ташкил қилади. Бу уларнинг



оилаларида юзага келадиган турли даражадаги адоват, зиддиятнинг мавжудлиги шунингдек, оилавий психологик муҳитнинг соғлом эмаслигидан далолат беради.

Методика натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, оиладаги носоғлом муҳит ҳам ўқувчи шахсида эмоционал реакцияларни юзага келишига сабаб бўлади. Шунинг оилавий муҳитдан қониқмаслик, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги келишмовчилик уларда хавотирланиш, ўзидан қониқмаслик, атрофдаги инсонларга нисбатан агрессияни юзага келишига сабаб бўлади.

Психолог М.И.Лисинанинг фикрига кўра, мактабгача ва кичик мактаб ёши даврида болалар ота-оналари айниқса онаси билан чамбарчас эмоционал боғланган бўладилар, бу қарамлик сифатида эмас, балки муҳаббат, ҳурмат тан олиш билан тавсифланади. Мазкур ёшда бола ота-оналар орасидаги ўзаро жанжал сабабларини тушунишга, ўз изтироблари ва туйғуларини ифодалашга қодир эмас, шахслараро нозик мулоқотга яхши йўналтирмаган бўлиши мумкин. Боланинг инсон сифатида ривожланиши унинг ички дунёси шаклланиши учун асосий ва зарур шароит бу унинг теварак атрофидаги ўраб турган яқин инсонлар шунингдек, энг аввало ота-она ҳисобланади. Бола биринчи ойданоқ ота-она орқали ўзини англайди ва бу жараён нафақат ички балки ташқи таъсир остид бутун ҳаёти мобайнида давом этади. Ота-онанинг муносабатининг ўзига хос томони шундаки, боланинг ёшига мос доимий ва муқаррар равишда ўзгаради [2].

Эриксоннинг фикрига кўра, илк болалик ҳамда мактабгача ёш давридаги асосий танглик қарама-қаршилиги ота-она ва бола муносабати доирасида ҳал этилади. Боланинг ўз-ўзини англаши унинг психик ривожланишини белгилайди. Боланинг ўз-ўзини англаши унинг психик ривожланишини белгилайди. “Мен” концепциясининг мазмуни кўп жиҳатдан ўз-ўзини англаш компонентининг тузилишига бола учун аҳамиятли бўлган инсонларга боғлиқ [1].

Бола учун аҳамиятли бўлган инсонларни қабул қилиш ва уларга бўлган меҳрини ўзига нисбатан ижобий муносабат ҳамда баҳолашнинг шаклланиши омили сифатида кўриш мумкин. 5-7 ёш даврида боланинг ота-онаси билан бўладиган ўзаро муносабати ўзига хос хусусиятга эга у ўзи билан бир хил жинсдаги ота-онасига идентификация қилишга ҳаракат қилади. Бунинг натижаси мактабгача ёш давридаги болалар характерининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатади. Ота-она жинсига идентификация қилиш шахс шаклланишининг маълум бир босқичида гуруҳли муносабат кўникмаларини эгаллаш, ижтимоийлашувни ифодаловчи жараён ҳисобланади.

References:

1. Андрюшина Е.В. Семья и здоровье подростка// Народонаселение. 1998. №2
2. Бурбо Л. Отношения родитель - ребенок. - Киев, 2002.
3. Гребенников И.В. Основы семейной жизни” М.: “Просвещение” 1991. 158-бет
4. Шнейдер Л.Б. Психология семейных отношений. Курс лекций. - М.: Апрель-Пресс, Изд-во ЭКСМО - Пресс, 2000. - 512 с.